

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**ГЕОГРАФИЯНИНГ  
МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**27-28 апрел 2017 йил**

**Жиззах - 2017**

Географиянинг минтақавий муаммолари. Конференция материаллари тўплами. -Жиззах: ЖДПИ нашри, 2017. - 336 бет.

Республика илмий-амалий конференция материалларида географиянинг табиий, ижтимоий - иқтисодий география, замонавий география таълимида педагогик ва инновацион технологиялар, гидрология, картография, топонимика, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги минтақавий муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишиланган мақолалар киритилган.

**Масъул мухаррир:** доц. О.Мухамедов

**Таҳрир ҳайъати:** проф. А. Абдулқосимов

проф. Л. Алибеков

проф. Ф. Ҳикматов

проф. С. Аббосов

проф. Қ. Ҳакимов

доц. К. Қурбонов

доц. М. Камолов

доц. Н. Алимқулов

кат. ўқит. З.Тошбоев (масъул котиб)

Тўпламда берилган мақолаларнинг илмийлиги, мазмуни, статистик маълумотлари ҳамда имловий ва грамматик хатоликлар учун муаллифлар масъул.

Жиззах давлат педагогика институти Кенгаши йиғилишининг 2017 йил 31 мартағи № 5 -сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

## СЎЗ БОШИ

Жиззах давлат педагогика институтида илк бор ташкил этилаётган “Географиянинг минтақавий муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси долзарб масалага бағишиланган. Чунки, ҳозирги замон география фани учун табиат ва жамият ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик масаласининг ҳудудий муаммоларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, кишилик жамиятини ўраб турган табиат ёки географик муҳит бевосита одамларнинг табиатга ва аксинча табиатнинг инсонларга таъсири натижасида ўзгаради. Шу билан бирга табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқасига фан ва техниканинг ривожланиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумининг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришнинг баъзи жабҳалари муайян даврда ривожланиш учун табиий омил бўлиб хизмат қилган бўлса, бошқа вақтда ишлаб чиқаришнинг тарихий самараси сифатида намоён бўлади. Бундан кўринадики, минтақа табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни кишилар турмуш фаровонлиги учун хизмат қилдириш муҳим илмий ва ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, уни ҳал этишда минтақалар имкониятларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳудудий муаммолар географиясини тизимли тарзда ўрганиш яхши самара беради.

“Географиянинг минтақавий муаммолари” мавзусида ўтказилаётган республика илмий-амалий конференциянинг асосий мақсади ҳам мавжуд минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш ва уларнинг ечимини топишга қаратилган. Анжуманга Ўзбекистоннинг етакчи географ олимлари билан бирга ёш олимлар ҳам ўз тадқиқот натижаларини тақдим этишади. Энг муҳими, конференцияда география фанининг назарий масалалари билан бирга мавжуд минтақавий муаммоларнинг амалий ечими муҳокама қилиниб, зарурый тавсиялар ишлаб чиқилади.

Мазкур анжумандан кўзлаган асосий мақсадларидан яна бири шуки, соҳа мутахассислари ўзаро тажриба алмашади, минтақалардаги фан ва амалиётда эришилаётган ютуқлардан хабардор бўлишади, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини муҳокама қилишади. Ўйлаймизки, ташкил этилаётган конференция география фанининг минтақавий муаммоларини ечимини топишга ва юқори салоҳиятли географ кадрларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Мен анжуман ишига муваффақиятлар тилаб, яна бир бор “Жиззах давлат педагогика институтига хуш келибсиз!” деймиз.

**Жиззах ДПИ ректори, с.ф.д., профессор А.Ж.Холбеков**

Туманда аҳолига тадқиқ этилган йилда жами 14286,5 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган. Бу ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръати 120,9 фоизини ташкил этган. Шунингдек, бундай ўсиш суръатлари транспорт хизмати 109,5 фоизни, техника ва ускуналарни таъмирлаш хизмати 104,1 фоизни, туризм хизмати 114,1 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш 119,6 фоизни, маший хизмат кўрсатиш 115,4 фоизини, таълим хизмати 119,9 фоизни, соғлиқни сақлаш хизмати 111,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги хизмати 114,8 фоизни ташкил этади. Тадқиқ этилаётган йилда аҳоли жон бошига 783,7 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. Туманда аҳолига 68480,5 млн сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилиб, аҳоли жон бошига 278,6 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Туманда саноат тармоқларининг диверсификацияси паст даражада унинг саноат салоҳиятини бор йўғи иккита корхона (ун ва пахта тозалаш) белгилаб беради. Яқин келажакда туманда маҳаллий арzon ҳом ашё негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи янги кўп тармоқли саноат корхоналари қурилиб ишга туширилиши орқали ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

2. Ҳозирги вактда туманда ишлаб чиқарилаётган ҳалқ истеъмоли молларининг 90 фоизи озиқ овқат маҳсулотларига тўғри келади. Келгусида ноозик-овқат, ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир;

3. Кичик ва ўрта бизнес соҳаларини иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожлантириш;

4. Туманда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, жумладан ички автомобил йўллар, турар жойлар, қурилиш, электр энергия, газ, ичимлик суви билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим хизматлари шунингдек, маший ҳамда маданий хизмат турларини замонавий талаблари асосида ривожлантиришни тақозо этади;

Хулоса қилиб айтганда мустақиллик йилларида Шўрчи тумани тез суръатларда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиб бормоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.:”Ўзбекистон”,1995.
2. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти.-Т.:”Жайхун”,1996
3. Солиев.А. Ўзбекистон географияси.-Т.,Университет,2014

**Сабитова Н.И., Холдорова Г.М., Сулаймонова Ш.С.  
Ўзбекистон МУ, Жиззах давлат педагогика институти**

### **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, уни бозор иқтисодиёти шароитига мослаштириш учун ислоҳатлар ўтказиши давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар салмоғи Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигини юритиш табиий шароит ва табиий ресурсларга, аниқроғи табиий географик ландшафтларга асосланади. Табиий географик ландшафтларда қишлоқ хўжалиги учун энг муҳими бу – тупроқдир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда ер ресурсларидан, жумладан, сугориладиган ва лалми ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш шу куннинг энг долзарб масаласидир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлар пахта, донли экинлар ва полиз экинларининг мўлжалдаги

хосилини сақлаб қолиши, уни илмий асосда бошқариш ва муҳофаза қилиш йўлларини ишлаб чиқиши мухим аҳамият касб этадиди. 2017 йил 1 январ ҳолатига Жиззах вилоятининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2121065 гектарни ташкил қиласди. Вилоят бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар 2117830 гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 300357 гектарни ёки умумий ер майдонининг 14,2 фоизини ташкил қиласди.

Вилоят миқёсида табиий ресурсларнинг, жумладан, унумдор ер ресурсларининг кўплиги қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда катта имкониятлар яратилади. Кейинги йилларда мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдаланиш вилоят миқёсида пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, мева - сабзавот ва полиз маҳсулотларини етишириш тез суратларда ўсмоқда. Вилоятда қишлоқ хўжалик соҳалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу албатта табиий шароит, рельеф, иқлим, айниқса, тупроқ шароити каби омилларга боғлиқ.

Жиззах вилояти ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва таркибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан **8 та** тоифага бўлинади. Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши 1-жадвалда ва 1-расмда ҳамда ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши 2-расмда кўрсатилган.


Вилоятда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда 2017 йил 1 январ ҳолатига кўра, 11516 та бўлиб, уларга бириктириб берилган ерларнинг умумий ер майдони 1446660 гектарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турлари майдони 1183043 гектарни, шундан 276247 гектари суғориладиган ерларни ташкил қиласди.

Суғориб дәҳқончилик қилинадиган ҳудуд ерлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишда асосий манба бўлиб қолмоқда. Аммо аҳоли сонининг тез ўсиши туфайли текислик, тоғ ва тоғ олди ҳудудиларидағи ерлардан янада кўпроқ фойдаланишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳудуд тупроқларининг хосса-хусусиятларини ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Статистик маълумотлар бўйича 2003 йил вилоятимиз миқёсида 9,6 мингдан кўпроқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, улар ихтиёрида 236 минг га суғориладиган ва 212 500 га лалмикор ерлар ҳамда яйловлар мавжуд бўлган. Фермер хўжаликларнинг 2017 йил 1 январ ҳолатига кўра, умумий сони 11376 тани, шу жумладан ихтисослиги бўйича: пахта-ғаллачилик 3819 та, ғаллачилик 2917 та, чорвачилик 785 та, боғдорчилик 2105 та, узумчилик 792 та, сабзавот-полизчилик 653 та, тутчилик 157 та ҳамда бошқа йўналишда 148 та ни ташкил қиласди. Вилоятимизда 2017 йил 1 январ ҳолатига кўра уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 512441 гектарни, шу жумладан экин ерлар 407337 гектар, кўп йиллик дараҳтзорлар 11622 гектар, бўз ерлар 1705 гектар, яйлов ва пичанзорлар 68286 гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ерлар 23491 гектарни ташкил қиласди. Суғориладиган бўз тупроқлар ичida тўқ тусли бўз тупроқлар 0,9 %, типик бўз тупроқлар 10,5 %, типик бўз тупроқлар минтақасининг бўз ўтлоқи тупроқлари 2,7 %, оч тусли бўз тупроқлари 3,7 %, оч тусли бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи бўз тупроқлари 6,1 %, бўз ўтлоқи тупроқлар 67,1 %, ўтлоқи тупроқлар 1,7 %ни эгаллаган. Суғориладиган тупроқли ҳудудлар кўпинча табиий ва сунъий сув ўтказувчанликка эга эмас, шунинг учун тупроқлар шўрланишга учрайди.

**Жиззах вилояти Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(гектар ҳисобида)

T/p	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, сугориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз ҳисоби да	Жами	Фоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	1446660	68,30	295824	98,49
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	10275	0,49	2083	0,69
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга	25992	1,22	78	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	64392	3,04	78	0,03
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	1857	0,09		
6	Ўрмон фонди ерлари	252985	11,95	1797	0,60
7	Сув фонди ерлари	310252	14,65	2	
8	Захира ерлар	5417	0,26	494	0,16
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>2117830</b>	<b>100</b>	<b>300357</b>	<b>100</b>



1-расм. 2017 йил 1 январ ҳолатига Жиззах вилояти ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

27. Абдумүминов Б.О. Глонасс тизими ва ундан геодезик тадқиқотларда фойдаланиш масалалари .....	61
28. Алибекова М.А. Помир тоғлари табиий шароитининг ўзига хос қарама-қаршиликларини ўрганишда қиёсий методдан фойдаланиш .....	63
29. Imomova D.A., Abrorova K.M. Saksovul( <i>Haloxyylon</i> )ning noyob xislatlari .....	66

## II ШЎЬБА. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ

30. Комилова Н.Қ., Зайнутдинова Д, Равшанов А. Географик патологияларнинг баъзи назарий масалалари.....	68
31. Алланов Қ.А. Сурхондарё вилояти иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тутган ўрни .....	71
32. Қурбонов К.Қ., Ҳазратқулов Ҳ.Ҳ., Турдиев Д.Э. Жиззах вилояти чегара ҳудудларида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ҳақида .....	73
33. Тожиева З.Н., Махамадалиев Р.Й. Жиззах вилояти аҳолиси миллий таркиби ва унинг географик хусусиятлари .....	75
34. Mavlonov A. Mustaqillik yillarida Buxoro aglomeratsiyasining rivojlanishi.....	77
35. Мухамедов О.Л., Болтаева М., Бобобеков М. Жиззах вилояти аҳоли сони ўсишининг динамик ўзгаришлари .....	79
36. Усмонов М.Р., Жумабоев Т.Ж. Ўзбекистондаги табиат ёдгорликларининг туризмдаги аҳамияти .....	81
37. Комилова Н., Мухамедова Н. Жиззах вилоятида аҳоли ўлими .....	85
38. Абдуназаров Ҳ., Исаева Ў., Исмоилова С. Афғонистон: тинчлик ва тараққиёт муаммолари .....	88
39. Kamolov M.N., Normatov. D.M. Osiyoning mitti davlatlari haqida .....	91
40. Таштаева С.К., Ўроқов М. Самарқанд вилояти шаҳарларининг демографик ривожланиши .....	93
41. Абдуназаров Ҳ., Каримов Й., Алмардонова Д. Чукур таркибий ўзгаришларга эришиш мintaқалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг мухим омили .....	95
42. Фаппоров А.Н., Самандарова М.Қ., Каримов Ҳ.О. Жиззах вилояти ҳудудида аҳоли зичлигига таъсир этувчи омилларнинг географик хусусиятлари .....	97
43. Эрдонов М.Н. Кумкўрғон - Сурхондарё вилоятининг географик маркази .....	100
44. Абдуллаев О.О. Рўзиева Д.А. Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари .....	101
45. Мадаминов З., Шоғдоров Т.А., Қодирова Ҳ. Истеъмол географияси ва унинг иқтисодий географик фанлар тизимида тутган ўрни .....	103
46. Ембергенов Н.Ж., Каримбаев Қ.Қ. Қорақалпоғистонда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш муаммолари .....	104
47. Абдуназаров Ҳ.М., Ҳўжамқулов Б. Шўрчи туманини иқтисодий – ижтимоий ривожлантириш масалалари .....	106
48. Сабитова Н.И., Холдорова Г.М., Сулаймонова Ш.С. Жиззах вилояти ер ресурсларидан фойдаланишининг географик жиҳатлари .....	108
49. Ҳайдарова С., Убайдуллаев А. Аҳоли миграцион ҳаракатларининг моҳияти ҳақида мулоҳазалар .....	111
50. Фаппоров А.Н., Қурбонова С. Жиззах вилояти ҳудудида саноат шаҳарчаларини шакллантириш омиллари .....	113
51. Қувондиқов О.Х., Зайнутдинова Д.Қ. Республика қишлоқ хўжалигига мевачиликнинг ривожланиш тарихи ва ҳудудий жойланиши .....	115
52. Мавланов Ҳ., Мардонов З., Болтаев О., Пардабоев Ш. Озиқ – овқат хавфсизлигининг олдини олишда интенсив боғларнинг роли .....	117